

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИ ВА
ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИ
ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ**

(Ўқув-услубий мажмуа)

**Тошкент
«Адолат»
2011**

УДК: 323.(575.1)(07)

ББК 65.422

Д37

Д37 **Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштириши янада чуқурлаштириш:** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти. – Т.: «Адолат», 2011 й. – 72 б.

ISBN 978-9943-394-18-6

УДК: 323.(575.1)(07)

ББК 65.422

Тузувчилар: ю.ф.д., проф. Д.М.Караходжаева,
ю.ф.н. доц. Н.Ф.Имомов.

Тақризчилар: ю.ф.д. Б.Н.Тошев
ю.ф.д. Р.Д.Рӯзиев

Ушбу ўкув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли матбузаси асосида тайёрланган. Унда хусусий мулкчилик ва хусусий муълого хуқуки дахл-сизлигининг хуқукий асослари, тадбиркорлик фаолияти соҳасини хуқукий тартибга соили тизимини либераллаштириш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг хуқукий асослари, монополистик фаолиятни чеклаш ва ракобатнинг хуқукий тартибга солиниши, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилик мазмуни, мамлакатда демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштириши янада чуқурлаштириш зарурияти ва аҳамияти тушунарли тарзда, таҳлилий материаллар асосида баён этилади.

Мазкур ўкув-услубий мажмуудан олий ўкув юртлари талабалари, ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, шунингдек ўрта-максус касб-хунар таълим мұаассасалари, ўрта мактаб ўкувчилари хамда кенг китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Ў $\frac{1201000000 - 021}{(04) - 2011}$ – 2011

ISBN 978-9943-394-18-6

© Д.М.Караходжаева, Н.Ф.Имомов.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2011 йил.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуриданаги «Адолат» нашриёти, 2011 йил.

К И Р И Ш

Республикамиз мұстакиллигининг дастлабки кунлариданоқ бозор муносабатларини жорий этиш мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий ва бош йұналиши қилиб белгиланган эди. Шу маңнода Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва бунда хусусий мулкни хуқукий жиҳатдан муҳофазалаш, тадбиркорлик фаолиятининг хуқукий асосларини белгилаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда ҳам иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришда хусусий сектор улушини янада орттириш, хусусий мулкдорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва хусусий мулк дахлсизлигини хуқукий жиҳатдан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига бюрократик аралашувларни камайтириш, монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантиришнинг хуқукий таъсир чораларини ишлаб чикиш, акциядорлик жамиятларининг ташкилий бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг хуқукий асосларини ишлаб чикиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг хуқукий тартибга солиш изчиллигини ошириш масалаларини тўғри англаб олиш мухимдир.

Президент маърузасида асослаб берилган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва мулкдор хуқуқлари кафолатларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидаларини қонунчилик даражасида белгилаш, кичик бизнесни ривожлантириш, бизнес янги шакли бўлган оиласвий бизнеснинг хуқукий асосларини ўрнатиш, ишлаб чиқаришда ва тадбиркорлик фаолиятида алоҳида ўрин тутадиган акциядорлик жамиятини бошқаришнинг хуқукий асосларини такомиллаштириш, монополияга қарши кураш ва рақобатнинг хуқукий механизмларини ўрнатиш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг қонунчилик базасини янада ривожлантиришни талабаларга содда ва тушунарли тарзда етказиш лозим.

Президентимиз нутқининг маъно-мазмуни, унда баён этилган долзарб муаммо ва масалалар, уларни ҳал этиш борасида белгилаб берилган амалий фаолият йұналишлари мамлакатимизда фуқароларни ахборот билан таъминлаш борасида оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти ва уларни эркинлаштириш ва ривожлантиришда мухим аҳамият касб этади.

ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки даврлариданоқ иқтисодий муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги конунчилик базасини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда мавжуд маъмурӣ-буйруқбозлик тизимиға барҳам бериш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида бир қатор конун ҳужжатлари қабул қилинди ва ушбу ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда бозор иқтисодиётининг асосий конуниятларини жорий қилишга кенг эътибор берилди.

1991-2000 йиллар оралиғида қабул қилинган конунларда мамлакатда мулкий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳусусий мулкчиликни жорий этиш, ҳусусий мулкдорлар синфини шакллантириш, ишлаб чиқаришдаги ва ялпи миллий маҳсулотдаги ҳусусий сектор улушининг ошиши, мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларининг киритилиши, банк ва молия муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш асосий вазифа қилиб белгиланган эди.

Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кодификациялашган қонун ҳужжатлари: Фуқаролик, Ер, Солик ва Божхона кодексларининг қабул қилиниши ҳамда уларда мулкчилик ва ҳусусий мулкнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг энг асосий қонуний кафолатлари белгиланганлиги ҳам мамлакатда бозор муносабатлари қарор топишида катта аҳамиятга эга бўлган воқеликлардан бири бўлди. Ҳусусан, 1997 йил 1 мартаамалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган масалаларни янгича ҳал қилди.

Шу борада қабул қилинган ўта муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар каторида Фуқаролик, Ер, Солик ва Божхона кодекслари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштириш тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида"ги конунларни кайд этиш мумкин.

Ислом Каримов

Унда:

хилма-хил фуқаролик-хуқуқий битимлар тузишда кенг эркинлик ва имкониятлар берилганлиги;

фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллашишини кенг тартибга солиш;

фуқароларнинг хуқук лаёқати кенгайтирилганлиги, улар ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, хусусий мулкка, жумладан, хусусий корхоналарга эга бўлиши, мулк шаклларининг тенглиги ва унинг ҳимояси кафолатланганлиги;

фуқаролик-хуқуқий муносабат субъекти бўлган юридик шахсларга ўз фаолиятларини амалга оширишда, хўжалик ишларини юритишда кенг имкониятлар берилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ислоҳотларнинг кейинги босқичида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хусусий корхона тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Конунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича **умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун хужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди**. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам хуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат килмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларининг кейинги босқичида қабул қилинган қонун хужжатларида хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг хуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонуний кафолатларнинг белгиланиши, тадбиркорлик субъектлари бўлган хусусий корхона, фермер хўжаликлари ва шу каби бошқа субъектлар хуқуқий макомининг аниқлашини мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор улушининг ортишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 207-моддасига асосан хусусий мулк хуқуки шахснинг қонун хужжат-

ларига мувофиқ тарзда кўлга киритган мол-мulkка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукуқидир. Яъни, у мерос тариқасида, ишлаб чиқаришда ўз меҳнати билан шахсан иштирок этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, битимлар тузиш, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш тартибида ҳамда қонунда тақиқлаб кўйилмаган бошқа асосларда кўлга киритилган мулкий хукуқидир.

Хусусий мулк хукуки билан боғлиқ муҳим қоида шуки, хусусий мулк бўлган мол-мулк микдор ва қиймат жиҳатидан чекланмайди. Бу қоида мустақил давлатимиизда мулк муносабатларини тартибга солиш борасидаги ислоҳотларнинг “инқилобий” нормаларидан биридир.

Хусусий мулк хукуқининг субъектлари фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслардир (ФК, 208-модда).

Хусусий мулк хукуки субъектлари турли-туман ва кенг доирада бўлса ҳам уларни бирлаштирувчи белги мулкнинг вужудга келиши, ундан фойдаланиш, бошқариш, тасарруф этиш, унинг натижаларидан баҳраманд бўлишда жисмоний шахснинг у ёки бу даражада иштирок этиши, иштирок этганида ҳам оммавий мулкдаги каби фуқаро ёки маҳсус ваколатли мансабдор шахс сифатида эмас, балки мулкдор шахс сифатида иштирок этишидир. Бундай иштирок этиш бевосита (масалан, фуқароларга тегишли мол-мулк бўйича мулкдор ваколатларини амалга оширишда) ёки билвосита (масалан, юридик шахснинг таъсис этувчиси ёки юридик шахс мол-мулкидан баҳраманд бўлувчи субъект сифатидаги хукуқларни амалга оширишда) намоён бўлади. Ҳар иккала қўринишда ҳам жисмоний шахсга маълум мулкий хукуқлар тегишли бўлади ва у бу хукуқларни ўзига хос тарзда рўёбга чиқаради.

Фуқаролик кодексининг 209-моддасига асосан хусусий мулкнинг объектлари доираси ҳам чекланмайди. Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин.

Хусусий мулк хукуки фуқаролар ва нодавлат юридик шахслар мулки қўринишида учрайди. Фуқаролик кодексининг 208-моддаси

мазмунидан келиб чиқиб, мулкдор хусусий мулк объектларига нисбатан қуидаги ваколаттарга эга, деб айтиш мумкин:

- жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикасининг фукаролари, бошқа давлатларнинг фукаролари, шунингдек фукаролиги бўлмаган шахслар);

- иодавлат тижоратчи юридик шахслар (хусусий корхоналар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари);

- кооперативлар (ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари);

- жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари;

давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар.

Хусусий мулк субъектлари нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларга тегишли шахслар бўлиши мумкин.

Конунда мулкдор ўз манфаатини кўзлаб ваколатларини амалга ошириши умумий асос сифатида белгиланган. Бу хусусий мулк ва оммавий мулк субъектлари учун бир хилда бўла олмайди. Агарда оммавий мулк хукуки субъектининг “ўз манфаатлари” мазмуни аниқроқ бўлса, хусусий мулк хукуки субъектининг “ўз манфаатлари” муайян шарт-шароит ва вазиятлар билан боғлик. Яъни, хусусий мулк эгаси мулкий хукукларини амалга оширишда эҳтиёж доирасидан келиб чиқсан ҳолда ўз манфаатини ифода этади. Мулкий хукукни амалга ошириш хусусий мулкдор томонидан хоҳлаган вақтда, ўзгаларнинг рухсатисиз ўзgartирилиши мумкин. Шу сабабли ҳам мулкдорнинг “ўз манфаати” оммавий мулк субъектидан кўра хусусий мулк субъектига кўпроқ қаратилган ва аниқроқ мазмун касб этади, деб айтиш мумкин.

Фақатгина мулкка нисбатан ўз “манфаати”ни ифода этишида хусусий мулк эгаларининг кимлигига эътибор қаратилади. Хусусий мулкдорлар ваколатлари (мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш хукуки)ни амалга ошириш бир хил эмас. Хусусий мулк субъектларида бу жараён турлича кузатилади. Фукаролар мулкий хукукларини амалга оширишда ўз иродасини намоён этса (мулк икки ёки ундан ортиқ шахсларга биргаликдаги умумий мулк асосида тегишли бўлган ҳоллар бундан мустасно), юридик шахсларда мулкий ироданинг намоён бўлиши унинг органлари ваколат доирасида қарор қабул қилиши орқали юз беради.

Фуқаро мулки хусусий мулкнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, мулкнинг бошқа турларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

1. Мулкдор ҳар доим конкрет шахс бўлади;
2. Мулкдор мулкка бошқаларга нисбатан яқин бўлади, шу сабабли хам унга таъсир қилишда қатор устунликларга эга;
3. Бинобарин, бундай мол-мулк ташмачилик, ўғирлик, хўжасизликнинг курбони бўлиш эҳтимолидан узокдир.

Бошқача айтганда, хусусий мулкнинг бу турини фуқароларга якка тартибда тегишли бўлган мол-мулк маъносида тушуниш мумкин. Бу мулкнинг энг асосий белгилари мол-мулкка нисбатан мулкдор якка шахс, яъни, фуқаро эканлиги ва у мол-мулкка нисбатан ўз хукукларини хусусий тарзда амалга оширишга ҳақли эканлигидир. Хусусий тарзда амалга ошириш дейилганда, мулк соҳиби бўлган шахснинг бошқа ҳар қандай шахслардан рухсат олмай, ўз хоҳишига кўра мулкий хукукларни эътироф этиш, ёлланма меҳнатни қўллаш асосида фойда олиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш воситаларига, корхоналарга эгалик қилиш имкониятлари тушунилади. Айни вақтда хусусий мулк хукукини фуқароларнинг ўзига якка тартибда тегишли мол-мулкка нисбатан эрки ва иродасини амалга оширишда мутлак хоҳишини рўёбга чиқариш маъносида тушунмаслик лозим. Хусусий мулк эгаси ўз хукукларини амалга оширишда атроф-муҳитга зарар етказмаслиги ва бошқа шахсларнинг манфаатларини бузмаслиги лозим. Юкорида таъкидланганидек, барча мулк турлари ичida факат фуқаролар мулкида мулкдор ўз мулкига энг яқин турадиган шахсdir. Қачонки, мулкдор аниқ ва муайян бўлса, ўз мол-мулкига бевосита тез ва осон таъсир қўрсатишга, назорат қилишига имкон туғилади, бундай мол-мулк эса хўжасиз қолмайди. Аксинча, мулкдорнинг доимий назорати, бошқаруви, ғамхўрлиги остида кўпайиб, ривожланиб боради. Фуқаролар мулки сифатидаги бундай хусусий мулк бозор муносабатлари тизимида тадбиркорлик фаолиятининг моддий негизи мўл-кўлчилик ва фаровонлик манбаи сифатида ўзига хос мавқега эга бўлади. Шу билан бирга, мулкдорнинг ўз мулкига яқин туриши, бозор иқтисодиёти шароитида ўзгариб турувчи талаб ва таклифга тез мослашиш имконини беради.

Фуқароларнинг хусусий мулк хукуки якка фуқарога хам, икки ёки ундан ортиқ фуқарога хам тегишли бўлиши мумкин.

Бу холатда агар мулк бир неча фуқарога тегишли бўлса, унда яхлит мулкка нисбатан мулкий ваколатларни амалга оширишда бошқа мулқдор билан “ҳисоблашиш” лозим бўлади, яъни бошқа мулқдорнинг хоҳиш-иродаси ҳам эътиборга олиниши талаб этилади.

Хусусий мулк хуқуқининг иккинчи кўриниши – нодавлат юридик шахсларнинг мулк хуқуқидир.

Нодавлат, яъни давлатга қарашли бўлмаган юридик шахслар мулкининг иктисодий мазмуни ташкилий жиҳатдан уюшган кишилар гуруҳига моддий неъматларнинг тегишли эканлигига ифодаланади.

Юридик шахслар мулкида умумий мулқдаги каби кўп субъектлилик эмас, балки бир субъектлилик ҳолати назарда тутилади. Юридик шахслар мулкининг қўйидаги турлари мавжуд: а) маҳалла мулки; б) кооператив мулк; в) жамоа корхоналарининг мулки; г) ижара корхонасининг мулки; д) хусусий корхоналар мулки; е) хўжалик ширкати ва жамияти мулки; з) жамоат бирлашмаларининг мулки; и) диний ташкилотларнинг мулки.

Хусусий мулк хуқуқини субъектив фуқаролик хуқуқи сифатида химоя қилиш чоралари мамлакатимиз қонунчилигига белгиланган бўлиб, мазкур чораларнинг устувор асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларида ўз ифодасини топган. Хусусан, Конституциянинг 36-моддасида ҳар бир шахс мулқдор бўлишга ҳақли эканлиги белгиланганлиги хусусий мулкка эга бўлишнинг қонуний асоси ва кафолатининг дебочасидир. Мазкур норма шахснинг муайян моддий неъмат ва ашёга нисбатан хўжалик хукмронлигини қўлга киритишда қонуний ҳаракатларига ҳар қандай тўсқинликни рад этишини назарда тутиди. Шу билан бирга, ҳар бир шахснинг мулқдор бўлишга ҳақлилиги, унинг шу мақсадни кўзлаб амалга оширадиган ҳаракатларини чеклаш ёки уни бу ҳаракатларни амалга ошириш хуқуқидан маҳрум қилишни тақиқловчи қонуний чора ҳисобланади. Шахснинг мулқдор бўлишга ҳақлилиги фуқаролар ва юридик шахслар мулкий ваколатларини амалга оширишни тақозо этади. Зоро, бундай имконият (ҳар бир шахснинг мулқдор бўлишга ҳақлилиги) шахснинг ўз фуқаролик хуқуқларини нормал ва бузилишларсиз амалга оширишини таъминлашга қаратилган чора ҳамdir.

Мулкдор бўлиш имкониятининг қонуний мустаҳкамланганлиги субъектив фуқаролик ҳукуки ҳисобланган хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг дастлабки кафолатидир. Хусусий мулк эгаси ҳар доим Конституциянинг 36-моддасига таяниб, ўз мол-мулкини ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилишга ҳакли.

Мамлакатимиз Асосий қонунининг 53-моддасига мувофиқ, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Хусусий мулкка нисбатан белгиланган “дахлсизлик ва давлат ҳимоясида бўлишлик” хусусий мулк ҳукуқини ҳимоя қилиш чоралари орасида ўзига хос ўринга эга. Биринчи навбатда, “дахлсизлик” деганда, шахснинг ўзига ёки муайян ҳукуқларига нисбатан қонунга зид бўлган хатти-харакатлар билан у ёки бу даражада таъсир ўtkазишни тақиқловчи қонуний чоралар мажмуи назарда тутилади. Иккинчидан, “дахлсизлик” – ҳукуқ субъектига тегишли ва унинг ваколатлари остида ҳамда ҳўжалик ҳукмронлигидаги обьектнинг ҳар қандай ҳукуқбузарликлардан холи бўлиши қонун билан таъминланганлигини ҳам англатади. Конституциянинг 53-моддасида белгиланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳам, мулкдорга тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан ҳукуқларнинг ҳар қандай бузилиши ва у билан бофлиқ манфаатларга ҳар қандай путур етказилишининг тақиқланишини ҳамда хусусий мулк ҳукуки, у кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, фақатгина қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина бекор қилиниши мумкинлиги коидаси ҳам хусусий мулк дахлсизлигининг мазмунини ифодалайди. Шу сабабли “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги Президент томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳукуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан кўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа кильмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиш зарур. Ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳукуқларининг ҳимоячисидир.

Ислом Каримов

Сўнгги даврларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби анча содлаштирилди. Бу борадаги бюрократик тўсиклар бартараф этилди.

Республикамизда мустақиллик йилларида иқтисодиётни ривожлантиришга оид бир қатор хукуқий ислоҳотлар, жумладан,

тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасида алоҳида вазифалар амалга оширилди. Чунки бозор иқтисодиётини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирмасдан туриб тўла шакллантириб бўлмайди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришда ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам тадбиркорлик фаолиятининг ўрни жуда каттадир. Шунинг учун ҳам республикамизнинг бош сиёсати дастлабки йилларда ёк тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва уларга шарт-шароит яратиб беришга қаратилди. Республикаизда ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектларининг ташкил топиши ва уларга шарт-шароит яратиш ҳамда уларнинг хукукларини кафолатловчи тўла хукуқий асос ўз ифодасини топган, деб айтсан муболага бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга ошириш, уларнинг ташаббускорлигини кўллаб-куватлаш ва таваккалчилик натижасида келиб чиқадиган заарларнинг ўрнини қоплашни кафолатлаш мақсадида 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонунида тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари тўла кафолатлаб қўйилди. Бошқа қонунларда ҳам бевосита тадбиркорлик фаолиятига кенг имконият яратиш алоҳида эътиборга олинди. Масалан, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги Қонун тадбиркорларнинг шартномавий муносабатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, “Хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун уларни назорат килувчи идоралар томонидан ноқонуний текширишларнинг

Бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсикларни бартараф этиш мақсадида “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-коидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мухим аҳамият касб этади.

Ислом Каримов

олдини олишга қаратилган. Тадбиркорлик субъектларида текширишларни янада қисқартириш мақсадида 2005 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 366-сонли Фармони қабул қилиниб, ушбу фармонга кўра, кичик корхоналар, микрофирмалар ва фермер хўжаликларини режавий текшириш муддатлари ҳар тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини текшириш муддатлари эса, ҳар уч йилда бир марта амалга оширилиши белгилаб берилди. Янги ташкил этилган фермер хўжаликларини режавий текшириш жадвалига улар рўйхатга олингандан бошлаб икки йилдан сўнг киритилиши ҳамда соликларни тўлаш бўйича имтиёзлар белгиланиши янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига ўзларини иқтисодий жиҳатдан ўнглаб олишлари учун кенг имконият яратди.

Шу билан бир қаторда, турли мулкчилик шаклига асосланган тадбиркорлик субъектларининг молиявий ахволини холисона баҳоловчи аудиторлик фаолиятининг ташкил этилишига ҳамда иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва ислохотларнинг чукурлаштирилиши натижасида тадбиркорлик фаолиятининг самараадорлигини ошириш, аудиторлик текширувидан ўтказиш, шунингдек хисобкитобни яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ, хукукий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатадиган малакали хизматнинг янги шакли – аудиторлик фаолиятига эҳтиёж сезилди. Зоро, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, “...тадбиркорлар манфаатини химоя қилишда аудиторлик фаолиятининг мавкеини янада ошириш керак” Бундай фаолиятнинг асосий вазифаси, биринчи навбатда, корхона молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиб турадиган бухгалтерлик ҳисоби тизими, фаолият натижаларини баҳолайдиган жорий ва йиллик ҳисботларнинг қонунийлигини тасдиқлашдан иборатdir. Ушбу меъёрий хужжатларнинг қабул қилиниши республикамиздаги тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини мустакил таҳлил қилиш ва бу фаолият давомида йўл қўйилган камчиликларни келгуси текширувга қадар аудиторларнинг профессионал хизматларидан фойдаланган холда тўғри йўлга қўйиш имкониятини яратиб берди.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 15-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш ва суурта қилиш ҳукуки кафолатланиб, тадбиркорлик фаолияти субъектига кредит берилаётганда суурта ташкилотларининг кафил бўлишлари белгиланган. Тадбиркорлик субъекти кредит шартномалари бўйича мажбуриятларни таъминлаш тариқасида ўз мол-мулкidan, шу жумладан, ашёлари ва мулкий ҳукукларидан, шунингдек ўзи олган кредитни тўлай олмаслик хавфи сууртаси тўғрисидаги суурта полисидан фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида тадбиркорлик фаолияти бевосита таваккалчилик асосида амалга ошириладиган фаолият бўлганлиги сабабли таваккалчилик асосида амалга оширган фаолиятлар натижасида кўрилган заарларни тезда бартараф этиш имконини бериш мақсадида тадбиркорлик хавфини суурталаш каби нормалар ўз ифодасини топди. Тадбиркорлик хавфини суурталаш нафакат ихтиёрий тарзда, балки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳукуқлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда тадбиркорлик фаолияти аввал суурталаниб, кейин амалга оширилиши лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Конунларида мустаҳкамлаб қўйилди.

Эндиликда тадбиркорлик субъектларини вужудга келтириш давлат амалдорига унчалик боғлиқ эмас. Бироқ тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини янада соддалаштириш имкониятлари ҳам мавжуд. Гап тадбиркорлик субъектлари вужудга келганлигини ариза бериш орқали расмийлаштириш тартиби тўғрисида кетмоқда. Бундай тартибда рўйхатга оловчи орган тадбиркорлик субъекти аризасини қабул қилиб, қайд этишга мажбур. Тадбиркорлик субъекти ўзининг вужудга келганлигини маълум қиласи ва давлат идораси буни маълумот учун қабул қиласи. Албатта, бундай тартибга бирданига ўтиш қийин, дастлаб ҳунармандчилик, майший хизмат, касаначилик тадбиркорлиги билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни шундай тартибда қайд этишни тажриба қилиб кўриш лозим. Кейинчалик уни аста-секин мураккаб таркибли тижорат субъектларига нисбатан

ҳам жорий этиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўtkазиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартиботларини такомиллаштирган бўлса-да, иқтисодиётни либераллаштиришнинг бугунги кун талабларига жавоб бера олмайди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий сарф-харожатларни тобора камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-коидаларини соддалаштириш максадида 2005 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-коидаларини соддалаштириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган эди. Мазкур норматив-хукукий ҳужжат бўйича иқтисодиётни эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жонланди. Тадбиркорлик субъектлари жойлардаги давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан расмийлаштириладиган ва бериладиган рухсатномалар (қарорлар, келишув ва хуносалар)ни олиши зарур бўлган ҳаракатлар ҳамда фаолият турлари рўйхати факат қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши белгиланди. Жойлардаги давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектлари томонидан айрим ҳаракатларни бажариш ёки фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномалар жорий этиш ва рухсатнома бериш тартиб-коидаларини ўрнатиш максадида қарор қабул қилиши тақиқланди.

Иқтисодиётни эркинлаштиришдан биринчи навбатда тадбиркорлар синфи манфаатдор. Шундай экан, тадбиркорлар мамлакатда эркинлаштириш тизими яратилиб, унинг жорий этилишини кутиб ўтириши максадга мувофиқ эмас. “Қарс икки кўлдан чикади”, дейдилар. Бугунги кунда тадбиркорлар улар дунёқарашини ўз дастурида акс эттирувчи сиёсий партияга эга. Бу партия Конунчилик палатасида етакчи мавқени эгаллайди. Тадбиркорлар қатлами ўз сиёсий партияси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа

фуқаролик жамияти тузилмалари орқали иқтисодиётни эркинлаштиришнинг хукукий асосларини ишлаб чиқишида ташаббус кўрсатмоши ва уни қонунларда мужассамлашга интилишлари лозим.

Энг аввало, тадбиркорларни бюрократик аппаратга камрок боғлиқ қилиб қўйиш керак. Рухсат бериш, текширишлар ўтказиш, назорат қилиш, мувофиқлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва шу каби тартиблар бюрократик аппаратнинг асосий қоидаларидир. Агар юкоридаги тартибларнинг энг зарури қолдирилса, бюрократик аппарат ўзбошимчалигидан тадбиркорларни хукукий химоя қилиш, айниқса, суд орқали химоя қилиш тизими йўлга қўйилса, тадбиркорларга янада кулай бўлар эди.

Шунинг учун Президент томонидан таклиф этилган “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-коидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ва унда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-коидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-коидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур.

Қабул қилинадиган қонунда мазкур қоидаларнинг назарда тутилиши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳам сон, ҳам сифат жихатидан ўсишига, бу эса пировард натижада аҳолининг фаровонлиги ошишига хизмат қиласи.

Президентимиз аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-куватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни изчили давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркорлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 29 июлдаги “Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини

Ўйлайманки, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-хукукий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вакти келди.

Ислом Каримов

ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 216-сонли Карори ва "Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом билан тартибга солинмоқда. Ушбу Низомда "Оилавий тадбиркорлик – эр хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳукуқи билан тегишли бўлган уларнинг умумий мулки негизида амалга ошириладиган ҳамда эр хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти" эканлиги белгиланган. Шунингдек, Низомда оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш, оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш хусусиятлари, оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби масалалар ёритилган. Дарҳақиқат, оилавий тадбиркорлик ва оилавий хунармандчилик субъектларига қонун хужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли микрокредитлар ажратиш тартиби ҳамда уларнинг фаолиятини моддий, маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни қонунчиликда катъий мустаҳкамлаш лозим.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиёти шароитига ўтиши билан барча соҳаларда туб ислоҳотлар олиб борилди. Бугунги кунга келиб, бу ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Мустакил давлатимизда кенг қамровли ҳукукий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятида олиб борилаётган ҳукукий ислоҳотларда буни якъол кўришимиз мумкин. Бу соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар яратиб берилди. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда биринчи маротаба тадбиркорлик фаолиятига ҳукукий жихатдан таъриф берилди. Унга асосан "Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш

га қаратилган ташаббускор фаолият"дир. Ушбу таъриф барча тадбиркорлик фаолияти билан доимий шуғулланувчи субъектларга берилган асосий хуқуқий таърифdir.

Хуқуқий жиҳатдан бугунги кунда кичик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ҳам турли хил белгилар билан ажратилмоқда. Бунга якка тартибдаги тадбиркорлик – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Бунда якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш хуқуқисиз, мулк хуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик килиш ва ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий хуқук туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустакил равишда амалга оширилишини тушунишмиз мумкин. Жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини куйидагича:

эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оиласвий тадбиркорлик;

оддий ширкат;

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда дехқон хўжалиги шаклларида амалга оширишлари мумкин.

Микрофирма ва кичик тадбиркорлик субъектлари атамалари ҳам кўп учрайдиган хуқуқий иборалар қаторига киради. Бу атамалар ҳам турли хил жойларда турлича кўлланилиб келинмоқда. Микрофирма асосан жарангдор талаффуз қилингани учун оммавий ахборот воситаларида кўп кўлланилмоқда. Кичик тадбиркорлик субъектлари атамаси эса қонун хужжатларида кўп кўлланилади. Бу икки ибора амалда бир хил маънони англатади ва қонунчиликда кичик тадбиркорлик субъектлари атамаси ишлатилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш ва уларни эркинлаштириш бугунги кунда жуда муҳим хуқуқий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Тадбиркорликка оид қонунларнинг кўплиги ва бу соҳадаги муносабатларнинг аксарияти қонуности хужжатлари асосида тартибга соли-

наётганлиги тадбиркорлик фаолиятида айрим хукуқий муаммолар вужудга келишига ҳам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантиришда бу соҳадаги қонунчиликни бир тизимга солишга ва бир хил нормалар турли хил қонунларда учраши ҳамда такрорланишининг олди олинишига эришиш лозим. Бугунги кунда бозор муносабатларининг ривожланиши даврида тадбиркорлик соҳасининг кенгайиши, турли соҳаларга тадбиркорлик фаолиятининг кириб бориши қонунчиликда зиддиятлар келиб чиқишининг асосий сабаби бўлмоқда.

Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиши фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оиласвий бизнеснинг хукукий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади. Бунинг учун қабул қилинадиган қонунда янги ташкилий-хукукий шакл санаалган оиласвий бизнеснинг хукукий мақоми, ташкил этилиши, соликқа тортилиши, фаолият юритиши, мулкий асослари, кайта ташкил этилиши ва тутатилиши каби масалаларни тартибга соловчи нормаларни назарда тутиш мухим аҳамият касб этади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит ўюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш хисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса, банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфраструктузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллан-

тириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Буларнинг бар-часини эътироф этган ҳолда мавжуд қонунларимизнинг кўпчи-лигини уларни кўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг хозирги даврдаги янги реал ҳола-тидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур.

Кучли ҳукуқий давлатдан кучли демократик жамият сари дадил одимлаётган республикамида жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш борасида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳар қандай сиёсий ўзгариш, у қанчалик ижобий мақсадларни кўзламасин, жамият барқарор иктиносидиётга асосланмас экан, ҳеч қандай самара бермайди. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда сиёсий соҳадаги эркинлаштириш билан бир қаторда, иктиносидиётни эркинлаштириш ва бунинг натижасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишининг ҳукуқий механизмини яратиш, соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини такомиллаштириш, ахолининг мулкка бўлган муносабатини ўзгаришиш, шунингдек хусусий мулкдор, шу жумладан, акциядорлар қатламини вужудга келтириш, акциядорлик жамиятларини тузиш, уларни самарали бошқариш, фоалиятини тўғри йўлга қўйиш ва тугатишни ҳукуқий тартибга со-лиш борасида бир қатор ижобий ишлар килинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, акциядорлик жамиятлари бозор иктиносидиёти тизимида мухим ўринни эгаллайди. Ҳўжалик юритувчи субъектлар юридик шахс ташкил этишнинг илғор шаклларидан бири эканлиги, бўш маблағларни ишлаб чиқаришга жалб қилувчи инвестициянинг мухим манбаи бўлиши, ахолининг кенг катламини қамраб олган ҳолда мулкдорлар синфини шакллантиришда ва корпоратив бошқарувни амалга оширишда курдатли восита эканлиги унинг субъект сифатидаги ўзига хослигини белгилаб беради. Шу сабабли ҳам акциядорлик жамиятлари дунё иктиносидиётида етакчи ўрин эгаллаши бежиз эмас.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топаётган хозирги пайтда юридик шахс хисобланган йирик ҳўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш катта аҳамият касб этади. Айнан

улар орқали салмокли, кенг миқёсда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиб, мазкур йирик корхоналар аҳолининг бандлигини таъминлашда ҳам муҳим ўринни эгаллади. Бу каби йирик корхоналар, одатда, акциядорлик жамиятлари шаклига эга бўлади.

Акциядорлик жамиятларининг ижобий томонларидан яна биро шундан иборатки, ҳар қандай шахс акция сотиб олиб, инвесторга айланиш имкониятига эгадир. Бунда маблағнинг кимга тегишли эканлиги ва микдорининг қиймати ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Ва ниҳоят, акциядорлик жамиятлари аҳолининг кенг қатламини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш имкониятини беради.

Акциядорлик жамияти (АЖ) давлат корхоналарини хусусийлаштириш, янги корхоналарни ташкил этиш ва уларни бошқаришда аҳолининг иштирокини таъминлайдиган, кишиларда мулқорлик туйғусини тарбиялайдиган ҳамда акция сотиши орқали шахсларнинг бўш колган маблағларини бир жойга тўплаб, тадбиркорликка йўналтирадиган хўжалик юритувчи субъектдир. Йирик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишни бажариш одатда акциядорлик жамиятлари томонидан амалга оширилади. Аникроғи, улар

дунё иқтисодиётидаги асосий усқуртмалардан биридир. АЖлар объектив иқтисод талабидан келиб чиқади. АЖнинг қуийдаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

АЖларнинг мулкий, хукукий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатлари алоҳида қонунчилик билан белгиланиши акциядорлик хукуки субъектлари (жамиятнинг ўзи юридик шахс сифатида, бошқарув органлари, акциядорлар, муассислар, кредиторлар, давлат, бошқа тадбиркорлик бирлашмалари) ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади. У бир томондан йирик мулқорларнинг мулкни тасарруф этишдаги устун мавқенини таъминласа, иккинчи томондан майда мулқорларнинг хукуқ ва манфаатларини кафолатлади;

Шу муносабат билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя килиш тўғрисида”-ги Қонунни тақиқидай кайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул килиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, хукуклари ва жавобгарлигини янада аник белгилаш лозим.

Ислом Каримов

жамиятнинг мулкка эгалиги билан уни бошқариш алоҳида бўлиб, акциядорларнинг АЖ устав фондини шакллантириш учун кўшган хиссаси (акциядорларнинг хиссаси қўшилган заҳоти пул қийматида баҳоланади) акциядорларнинг мулки хисобланмай, фақат АЖ мулки хисобланади.

АЖнинг афзалликлари шундаки, унда маблағ бир жойга йиғилиб, сўнг тадбиркорликка йўналтирилади, чунки ортиқча капитали мавжуд бўлган шахслар ўз пул маблағларини ишлатишда деярли хавфга учрамайдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз пул маблағларини АЖга қўйиши (акцияга эга бўлиш орқали) афзал деб биладилар. Гарчи, АЖнинг хўжалик фаолиятида барча акциядорлар иштирок этмаса-да, жамиятнинг фойдасидан уларнинг ҳар бири манфаатдор бўлади. Бизнесни ташкил этишнинг акциядорлик шаклида сармояни жалб этиш масаласи самарали ҳал қилинади. Уни молиялашнинг бош манбаи акция ва облигациялар чиқариш ҳамда уни жойлаштиришдир. Акцияни жойлаштириш олинадиган дивиденд микдорига, у эса ўз навбатида жамият олиб бораётган тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигига боғлик. Жамият бошқа хўжалик юритувчи субъектларга караганда жамоатчилик томонидан кучлироқ назорат қилинади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, акциядорлик жамиятларининг очик ва ёпиқ шакллари мавжуд. ФКнинг 65–66-моддалари ҳам бевосита очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятларининг хукукий ҳолатини тартибга солади.

АЖнинг хукуқ субъекти сифатида ҳаракат содир этиши, унинг хукуқ ва муомала лаёқати амалга оширилиши, фуқаролик-хукукий субъект сифатидаги хукукий мақомини англаб этиш учун корпоратив бошқарув масаласини ўрганиш жуда ҳам долзарб масаладир. Корпоратив бошқарув АЖларнинг органлари томонидан ташки ва ички муносабатда унинг манфаатларини ҳимоя қилишдир. АЖнинг хукуқ ва муомала лаёқати, унинг бошқарув органлари орқали амалга оширилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддасига асосан, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижро органи орқали бошқарилади. Бунда жамиятнинг фуқаролик мую-

маласида муайян хукуқларга эга бўлиши ёки мажбуриятларни зиммасига олиши ушбу уч бўғиндан ташкил топган бошқарув органларининг ваколат доирасидаги ҳаракати орқали амалга ошади.

АЖни бошқаришда корпоратив тамойиллардан фойдаланилади, у оддий акциядорлар эмас, унинг органлари орқали бошқарилади. “Корпоратив бошқарув” тушунчаси бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларини ҳам қамраб олади. Акциядорлик жамиятлари мураккаб таркибли, иштирокчилар сонининг чекланмаганлиги, катта миқдордаги мулкни бошқариш заруратининг мавжудлиги боис жаҳон тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, бошқарув тизимининг икки ва уч бўғинли кўринишларига дуч келамиз.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуннинг 64-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли Қарори билан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Намунавий Низомга мувофиқ, акциядорлик жамиятларининг умумий йиғилиши унинг олий бошқарув органи ҳисобланади ва жамиятнинг фуқаролик-хукуқий муносабатга киришишида асосий қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлади.

Акциядорлик жамиятлари иштирокчилар (акциядорлар) сонининг чекланмаганлиги (ЁАЖ бундан мустасно), ундаги маблағлар шаклланишининг ўзига хослиги ва бошқарув тизимидағи мураккаблик туфайли ҳам юридик шахслар орасида ажралиб туради. Айни вактда бу ўзига хос мураккаблик айrim муаммоларни ҳам келтириб чиқариши табиий.

Акциядорлик жамиятларининг хукуқий мақомини белгилашда корпоратив бошқарувдаги камчиликларни бартараф этиш дол зарб муаммолардан биридир. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг қийинчилик билан жорий бўлаётганлиги, ундаги ҳар хил тўсқинликларни бартараф этишни такозо этмоқда. Шунингдек, акциядорлар АЖ бошқарувда тўлақонли қатнашмаяпти, бунда асосан бошқарув органлари (кузатув кенгаши ва ижро органи) иштирок этмоқда. Айнан акциядорлик жамиятлари-

нинг самарали фаолият кўрсатишида бевосита корпоратив бошқарувнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ўта муҳимдир.

Акциядорлик жамиятлари халқ хўжалигининг барча тармоқ (саноат, банк, сурурта, алоқа ва бошқалар)ларини қамраб олган бўлса-да, бироқ ҳанузгача аҳоли ўртасида уларга бўлган ишонч жуда сустдир. Бунинг сабаблари каторида уларнинг паст рентабеллигини, дивидендларнинг кам микдорда тўланётганлигини ёки ўз вактида тўланмаслигини кўрсатиш мумкин. Натижада аҳолининг ортиқча пул маблағлари акциялар сотиб олинишига кам йўналтириляпти. Бу эса акциялар муомаласига, айниқса иккиламчи қимматли қофозлар бозорининг ривожига ўз салбий таъсирини ўтказмокда.

Бундан ташқари, корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, хукуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Корпоратив бошқарув органлари бўлган акциядорлик жамиятларининг умумий йиғилишлари, кузатувчилар кенгашлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, майда (миноритар) акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилувчи ва кафолатловчи меъёрларни қайта кўриб чиқиши, АЖ фаолияти билан боғлик маълумотларни олиш имкониятини ошириш билан боғлик нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Шу муносабат билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”-ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиши ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, хукуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг тадбиркорлик фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Бу давлатнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар, бозор муносабатларига

Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иктисодиётимизда, аввалимбор саноатда етакчи ўринини этгалий олмаяпти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарур.

Ислом Каримов

ўтиш билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар ҳисобланади. Давлатнинг асосий куч-кудрати унинг иқтисодий жиҳатдан қандай ривожланганлиги ва аҳоли турмуш даражасининг юкорилиги билан ҳам баҳоланади. Мустақил Ўзбекистон ўзининг янги иқтисодий тузумга ўтишида ўзига хос йўлни танлаб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган асосий беш тамойил бозор муносабатларига ўтишда дастуриламал сифатида қабул қилинди. Барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар биз учун умуман янги бўлган тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унга кенг иқтисодий ва ҳуқуқий асослар яратилиши, нафақат ички, балки ташки бозорларни ҳам халқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга имкон берди.

Бунда энг муҳим масала сифатида кичик бинесни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, шу соҳани тартибга солишга қаратилган қонунчилик базаси яратилди. Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчиликни икки гурухга бўлишимиз мумкин. Уларнинг биринчиси – тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, иккинчиси – тадбиркорлик фаолиятина тартибга солувчи қонуности норматив ҳужжатлардир. Тадбиркорлик фаолиятига оид қонунларнинг ўзини яна уч гурухга бўлишимиз мумкин. Уларнинг биринчиси, тадбиркорлик фаолиятини кафолатлашга қаратилган қонунлар, иккинчиси – тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қонунлар, учинчиси – тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи қонун ҳужжатлариdir.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни барча тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини химоя қилишга қаратилган асосий қонунлардан биридир.

Қонуннинг З-моддасида Тадбиркорлик фаолиятига куйидагича таъриф берилган: тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тад-

биркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофик амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конуннинг 19-моддасида “Тадбиркорлик субъектларининг қонун хужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш эркинлиги кафолатлари” кўрсатилган бўлиб, юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг муассислари таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг асосий турларини санаб ўтиш билан кифояланишга ҳақли. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун хужжатлари билан тақиқланмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шуфулланишлари мумкин.

Демак, биринчидан, бу таърифдан кўриниб турибдики, тадбиркорлик фаолияти қонун хужжатларига мувофик амалга оширилиши лозим. Агарда қонун хужжатлари билан тартибга солинмаган фаолият тадбиркорлик фаолияти деб қараладими ёки йўқми, бу масала қонунчиликда очиқ қолган.

Иккинчидан, тадбиркорлик таваккал қилиш билан боғлиқ фаолият бўлиши керак, тадбиркорлар ўз мулклари билан доимий равишда таваккалчилик асосида фаолият юритадиларми, бъязи ҳолларда тадбиркорлик фаолиятида таваккалчилик бўлмаса, бу фаолиятга ҳам тадбиркорлик фаолияти деб қараладими? Бу ҳолатлар ҳам амалдаги қонунчиликда аниқ белгиланмаган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятили жамиятлар тўғрисида”ги Конуннинг 3-моддасида тадбиркорлик фаолияти билан шуфулланувчи субъектлар – масъулияти чекланган жамият ва қўшимча масъулиятили жамиятнинг таърифи берилган бўлиб, унга кўра, масъулияти чекланган жамият – бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган микдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамиятидир.

Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолия-

ти билан боғлиқ заарлар учун ўзлари кўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла кўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган кисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, масъулияти чекланган жамият тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда факат иштирокчиларининг кўшган улушлари миқдорида жавобгар бўлиши мумкин.

Қонунчиликда жамият томонидан бошқа тадбиркорлик субъектига жамиятнинг мулкидан кўп заар етказилган ҳолларда зарарни қоплаш масаласи тўлиқ тартибга солинмаган. Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушкини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди. Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозим.

Бинобарин, Президентимиз томонидан таъкидлаганидек, хозирги вақтда яна бир муҳим масала – мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушкини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг 2010 йилдаги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмади.

Дарҳақиқат, ушбу ҳолатлар ҳамда бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг фаолият юритишидаги кафолатлар билан боғлиқ масалалар, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг лозим даражадаги хукукий асосларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунини янги таҳrirда ишлаб чикиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ саналади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин келажак тараққиётининг ўзига хос йўлини белгилаб олди ва бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш, ҳуқукий демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, Ўзбекистон олдида турган энг муҳим вазифа қилиб белгиланди.

Мулкчиликнинг хилма-хил

шаклларини вужудга келтириш, рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан қатъяян воз кешиш, иқтисодий омиллар ва воситаларни кенг жорий этиш бозор муносабатларининг ўзагидир.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти иқтисодий муносабатлар қатнашчиларининг тенглигини, улар томонидан бозорда юриш-туриш, хулқ-автор юзасидан карор қабул қилишда эркинликни, уларнинг фаолиятига бирор-бир тарзда ноқонуний аралashiшни тақиқланиши, бозорга тўсиқларсиз кириш ва ундан хоҳлаган вақтда чиқиб кетиш имкониятининг мавжудлигини назарда тутади. Рақобат айнан шундай даражага эришишнинг мажбурий шарти хисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, соғлом рақобат муҳити яратиш бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий ва муҳим шартларидан бири эканлиги маълум бўлди. Уни шакллантириш эса, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий ва муҳим бўғинларидан биридир. Зеро, соғлом рақобат муҳитини яратиш миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини таъминлашда хал қилувчи омилдир.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, рақобат бўлмаса бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат – бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир.

Бозор муносабатларини чуқурлаштиришнинг асосий вазифаларидан бири – бу рақобатбардошлик муҳитини шакллантириш

Ҳаммамиз яхши тушунамизики, бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга карши конун хужжатлари катта рол ўйнайди. Аммо, амалдаги "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Конун буғунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шуни эътиборга олган ҳолда, "Рақобат тўғрисида"ги янги Конунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур.

Ислом Каримов

тизимини барпо этишдир. Бу тизим хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва соф рақобатни шакллантириш учун қулай шарт-шароитларни яратади. Кичик ва ўрта корхоналарни йирик монополистик корхоналар томонидан амалга ошириладиган фирмом рақобатлардан ҳимоя қилиш мақсадида 1996 йил 27 декабрда “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонун кабул қилинди. Бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун хужжатлари катта рол ўйнайди. Аммо амалдаги “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шуни эътиборга олган холда, “Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим. Шунингдек, биржা савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-коидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ўртасида рақобатнинг жадал суръатларда ривожланиши уни ҳукукий тартибга солиш эҳтиёжини вужудга келтирди. “Рақобат” тушунчасининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонунда кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонуннинг З-моддасига асосан, рақобат хўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари ҳар бир субъект томонидан тегишли товар бозоридаги товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имкониятини чеклайди. Ушбу таъриф рақобатни иқтисодий томондан қамраб олади, унга кўра рақобат хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида фойда олиш мақсадида, харидорни жалб қилишга қаратилган, мустақил ҳаракатларни рўёбга чиқариш орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги иқтисодий мусобақадир.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг “Товар бозорлари чегараларини аниқлаш ва хўжалик юритувчи субъектни монополист деб тан олиш тартиби тўғрисида”ги Низомда республикамизда тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш ва тадбиркорларнинг товар бозорларида ўз фаолиятлари чегараларини аниқлашлари ва тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектларнинг монополистик фаолиятини чеклашлари ва уларни хуқукий тартибга солинишига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу Низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш худудий бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Макроинтистистат вазирлигининг (хозирда Давлат статистика қўмитаси) товарлар сотилиши, етказиб берилиши, олиб чиқиш – олиб кириш ва уларнинг қолдиклари тўғрисидаги статистик маълумотлари асосида товар муомаласи чегараси доирасида хўжалик юритувчи субъектларнинг тегишли товар бозоридаги устувор мавқеини белгилайдилар.

Зарурат туғилганда ёки статистик маълумотлар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари сўровига биноан хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари, шунингдек мансабдор шахслар товар бозори чегараларини белгилаш масалалари бўйича ва уни монополиячи деб топиш учун зарур ахборотни тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси мустақил равища, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаларининг илтимосномаларига кўра, улар томонидан ўтказилган товар бозорлари тадқикотлари асосида, икки ёки ундан

кўп товар бозорларини битта бозорга бирлаштириб, товарнинг муомала чегараларини белгилаш хукуқига эгадир. Бунда бозор чегараларини ўзгартириш фақат муайян товар бозори ёки товарлар гурухи бўйича амалга оширилиши кераклиги қайд этиб ўтилган.

Бугунги кунда тадбиркорлар сони ортиб бормоқда. Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулот билан ички бозорда, жаҳон бозорларида ўз ўрнини топиб, йирик давлатларнинг тадбиркорлари билан бемалол рақобатлаша оладиган тадбиркорлар синфи шаклланмоқда. Бундай вазиятда уларнинг йўлига ғов бўлмасдан, аксинча, уларни кўллаб-куватлаш керак.

Жаҳон амалиётидан маълумки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун мамлакатда роқобат мухитини яратиш лозим. Ўтган асрнинг бошларида субъектлар фаолиятида соғ рақобат мухитини сақлаб қолиш учун фирром рақобатдан ҳимоя қилиш ишлаб чиқариш, мулкни муҳофаза қилишнинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида тан олинган.

Рақобат бозор иқтисодиётининг асосий атрибуутларидан бири ҳисобланади. Рақобатнинг иқтисодиёт ривожланишига ижобий таъсири ҳамда унинг барча бозорларда амалий татбиқ этилишига эҳтиёж борлиги юзасидан шубҳа туғилмайди. Рақобат иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, моддий неъматни тақсимлаш, истеъмолчиларнинг манфаатларини қониктиришда мухим аҳамият касб этади. Шунинг учун рақобат шароитидаги бозор муносабатларини тартибга соладиган хукуқий база талаб қилинади. Шу сабабли қонунчилигимизда рақобат муносабатларини тартибга солишга катта аҳамият берилмоқда.

Президент маъруzasида таклиф этилаётган “Рақобат тўғрисида”ги Конунда нафакат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишини назарда тутилиши, монополистик фаолиятни, шунингдек биржা савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

1991 йил 19 ноябрда “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Конунинг қабул қилиншига куйидаги объектив сабаблар асос бўлган эди:

1. Тоталитар тузумдаги шахснинг мулкдан бегоналашуви оқибатларини тугатиш;
2. Давлат мулки таркибий марказлашувининг ҳаддан ортиши, ундан самарали фойдаланиш, бошқариш ва назорат қилишни таъминлай олмаганлиги;
3. Давлат мулкига нисбатан ташмачилик ва хўжасизликка барҳам бериш;
4. Бозор иқтисодиёти, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мулкнинг давлат қўлида ҳаддан ортиқ марказлашувига зид эканлиги.

Давлат тасарруфидан чиқариш деганда, давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа ижара корхоналарига, акциядорлик жамиятларига, давлатга карашли бўлмаган бошқа корхоналар, ташкилотларга айлантирилиши тушунилади.

Хусусийлаштириш деганда эса, фуқаролар ва давлатга таалукли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки обьектларини ёки давлат акцияларини давлатдан сотиб олиши тушунилади.

Бу икки тушунча ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, давлат тасарруфидан чиқарилганда мулк хукуқининг маълум бир кисми давлат қўлида сакланиб қолади, хусусийлаштирилганда эса, мулк хукуки тўлиқ хусусий шахсларга ўтади.

Давлат органлари хусусийлаштириш субъекти бўла олмайди. Хусусийлаштириш обьектларини давлат бюджети томонидан сотиб олишга йўл қўйилмайди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, давлат корхонасини хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантириш, давлат мол-мулкини танлов йўли билан ва ким ошди савдосида давлатга тегишли бўлмаган юридик шахсларга ва жисмоний шахсларга сотиш шаклида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Хозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 физдан ортигини нодавлат сектор таъминламоқда. Тан олишимиз керакки, 1991 йилда кабул килинган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун, ўтган давр мобайнида 80 тадан ортиқ конуности хужжати унга уйғулаштирилганига кара масдан, бугун кайта кўриб чикишини ва янги таҳрирда кабул килишини талаб этмоқда.

Ислом Каримов

Дарҳақиқат, давлат мулкини хусусийлаштириш орқали мулкчилик муносабатларидағи монополияга барҳам бериш ва иқтисодиётда кўп укладли соғлом рақобатга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришиш энг асосий вазифалардан бири эди. Ўзбекистонда хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ишларининг кенг кўламда амалга оширилиши, мулкий плорализм, аралаш иқтисодиётга йўл очиш чет эл инвесторларини иқтисодиётимизга чорлайдиган асосий омиллар бўлди.

Иқтисодиётда турли мулк шаклларига асосланган бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлатнинг иқтисодиётга таъсирини мумкин қадар пасайтириш, давлат энг мухим стратегик ахамиятга молик масалаларгагина аралашуви тенденцияси томон кетилаётган бир пайтда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалалари мухимдир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичида, давлатга тегишли бўлган уй-жойлар шу уйларда ижарада турувчиларга хусусийлаштирилиб берилди ҳамда майдада майший хизмат кўрсатиш корхоналари савдога қўйилди.

Гарчи, ҳозирги кунда хусусийлаштиришнинг учинчи босқичи давом этаётган бўлса-да, мазкур муносабатларни такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Бу ҳолат, айниқса, хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторларнинг иштироки масаласида яққол сезилмоқда. Шундай бўлишига қарамай, "...мустакил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этади"¹ Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, мамлакатимизнинг мавжуд салоҳиятига, табиий захираларнинг мўл-кўллигига, қулай инвестиция муҳити яратилганлигига қарамай, бу ҳол хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жойлаштириш борасида етарли даражада эмас. Шу муносабат билан хусусийлаштиришда иштирок этиш истагидаги хорижий инвесторларга имтиёз ва кафолатлар бериш, шу билан бирга, хусусийлаштиришни амалга ошираётган давлат

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиёт йўли. –Тошкент: 2007. 39-б.

органларининг бу борадаги ҳуқуклари ва ваколатлари аниқ кўрса-тилиши зарур. Мазкур холатлар “**Давлат тасарруфидан чи-қариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**”ги **Қонунни** янги таҳирда қабул қилиш зарурлигини яна бир бор ифодалайди.

Мамлакатимизнинг стратегик муҳим тармоклари ва корхоналарида акцияларнинг назорат пакети, таъбир жоиз бўлса, “олтин” акцияларни давлат ихтиёрида сақлаб қолган ҳолда, иктисодиётнинг энг муҳим етакчи тармокларига хусусий инвесторларни жалб қилиш ва уларда нодавлат сектор улушкини янада кенгайтириш зарур. Бунда бўлажак инвесторларнинг барча тоифаларига хусусийлаштириш жараёнларида тенг шароит яратишни таъминлаш, уларда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиқлиги ва ошкоралигини кўзда тутиш лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ғоят муҳим аҳамиятга молик қонунларни такомиллаштириш билан бирга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиқкан ҳолда, эркин бозор иктисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиласидиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. “Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”, “Гаров реестри тўғрисида”, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”, “Инновациялар ва иктисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги ва бошқа янги қонунлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, мамлакатизда иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ахолининг истеъмол талабидан келиб чиқиб, истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма обектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратиш зарурияти ушбу Концепцияда эътироф этилганлиги Ўзбекистонда мазкур соҳанинг ҳукукий асосларини яратиш ва қонунчилик тизимини такомиллаштиришини талаб қиласиди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzасини (**Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштириш**) ўрганиш бўйича

КЎРГАЗМАЛИ ТАҚДИМОТ СЛАЙДЛАРИ

1996-1997

Слайд – 1

Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаширишнинг мавжуд ҳуқуқий асослари

1991-2000 йилларда
қабул қилинган
қонун ҳужжатлари

Ислоҳотларнинг
кейинги
босқичларида
қабул қилинган
қонун ҳужжатлари

Фукаролик, Ер, Солик
ва Божхона кодекслари,
"Давлат тасарруфидан чиқариш
ва хусусийлашириш
тўғрисида"ги, "Банклар ва
банк фаолияти тўғрисида"ги,
"Чет эл инвестациялари
тўғрисида"ги, "Чет эллик
инвесторлар ҳуқуқларининг
кафолатлари ва уларни химоя
қилиш чоралари тўғрисида"ги
Конунлар

"Тадбиркорлик фаолияти
эркинлигининг кафолатлари
тўғрисида"ги, "Хусусий корхона
тўғрисида"ги, "Валютани
тартибига солиш тўғрисида"ги,
"Ташки иқтисодий фаолият
тўғрисида"ги, "Фермер
хўжалиги тўғрисида"ги
Конунлар, янги таҳрирдаги
Солик кодекси ва иқтисодиётни
ислоҳ қилиш бўйича умумий
хисобда 400 дан зиёд қонун
ҳужжатлари қабул килинди.

Слайд – 2


"Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг
кафолатлари тўғрисида"ги Конунни ишлаб чиқиш ва қабул
қилиш заруратини асослайдиган омиллар

Мулк ҳуқуки
дахлсизлигини ишончли
кафолатлаш тизимиви
такомиллашириш


Давлатнинг хусусий мулкдор
ҳуқуқлари химоячиси
сифатидаги мавқеини ошириш

Мулкнинг дахлсизлигини ва мулкдор ҳуқуқлари
кафолатларини маҳсус қонун ҳужжатида қатъий белгилаш

Слайд – 3



Слайд – 4



Слайд – 5

Оилавий бизнес соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил
29 июлдаги 216-сонли "Оилавий тадбиркорликни ҳамда
хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш
чора-тадбирлари тўғрисида"ги Карори



"Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик
фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом

Слайд – 6


Оилавий бизнеснинг қонуний асосларини
белгилаш зарурати



Слайд – 7




Слайд – 8




Слайд – 9

“Тадбиркорлик фаолияти эркинилигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарурати




Слайд – 10

“Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати




Слайд – 11

1991 йил 19 ноябрда “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш түгрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишига қуидаги объектив сабаблар асос бўлган эди:



Слайд – 12

“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш түгрисида”ги Қонунни қайта кўриб чиқиш ва янги таҳтирида қабул қилиш зарурати



Эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган, қабул қилиниши лозим бўлган қонуилар

“Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”ги

“Гаров реестри тўғрисида”ги

“Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги

“Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги

“Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzасини (**Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштириш**) ўрганиш бўйича

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

2. “Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштириш” номли маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранга курснинг тузилмавий мантикий чизмасини чикаради, мавзулар рўйхатини беради ва уларга кисқача тарьиф беради.</p> <p>1.2. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таниширади.</p> <p>1.3. Асосий мавзу мазмуни бўйича маълумотлар баён килишга ўтади.</p>	Тинглайди. Тинглайди.
2. Асосий босқич (55 дақика)	<p>2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида савол беради: “Мустакилликнинг дастлабки йилларида қабул килинган конунлар ва уларнинг асосий мазмуни хақида гапириб беринг”</p> <p>2.2. Жавобларни умумлаштириб, мустакилликнинг дастлабки йилларида қабул килинган, демократик бозор ислоҳотларини чукурлаштиришга қаратилган конун хужжатларининг асосий мазмунини ёритиб берувчи слайдлар намойиши оркали маълумотларни кенгроқ ёритиб беради.</p> <p>2.3. Концепцияда қабул килиниши таклиф этилаётган конунлар бўйича талабалар билан биргаликда кластер тузади.</p> <p>2.4. Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни янада чукурлаштириш бўйича қабул килиниши таклиф этилаётган конунларнинг зарурияти ва аҳамияти тўғрисида талабалар қандай маълумотларга эга эканликларини билиш мақсадида савол беради: “Концепцияда қабул килиниши таклиф этилаётган конунларнинг долзарблиги ва аҳамияти нимада, мазкур конунларда асосий эътибор нималарга қаратилиши лозим?” Берилган саволни жуфтлиқда, сўнгра мустақил ўйлашга ва жуфтлиқда муҳокама килишини таклиф қиласди: “Ўйланг – жуфтлиқда ишланг – фикр алмашинг” техникаси билан ишлаш коидасини экранга чикаради.</p> <p>2.5. Берилган жавобларни умумлаштириб, концепцияда қабул килиниши таклиф этилган конунларнинг зарурияти ва аҳамиятини слайдлар оркали кенгроқ тушунтириб беради.</p> <p>2.6. Талабаларга кўйидагича савол беради: “Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодий муносабатларни солувчи конунчилик хужжатлари тўғрисида сизга нималар маълум?”</p>	Саволга жавоб беради. Тинглайди, ёзади. Талабалар берилган саволга жавоб беради. Тинглайди, ёзади.

	2.7. Жавобларни түлдириш максадида бозор икти- содий муносабаттарининг хуқукий асослари тўғрисидаги маълумотларни слайдлар орқали ту- шунтириб беради.	
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган са- волларга жавоб беради, якунловчи хулоса килади. 3.2. Инсерт техникасидан фойдаланиш коидаси- ни эслатади. Мустакил ишлаш учун Инсерт тех- никаси асосида ўқув материалининг 4-6 саволини ўрганиш вазифасини беради.</p>	Саволлар беради. Вазифа- ни ёзиб олади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzасини (**Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштириш**) ўрганиш бўйича

ГЛОССАРИЙ

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришdir.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ – “жисмоний шахсларнинг” ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки обьектларини ёки давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ – чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият обьектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир хукуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир хукуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ (ТАДБИРКОРЛИК) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

ХУСУСИЙ КОРХОНА – мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилоти. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-хукуқий шаклидир.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ – Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алокаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

ВАЛЮТА – чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қофозлар, чет эл валютасидаги тўлов хужжатлари ва соғ куйма олтин валюта бойликлари хисобланади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуфулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект.

БАНКЛАР – тијорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб хисобланадиган куйидаги фаолият турлари мажмунин амалга оширадиган юридик шахсdir. Банклар юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш, тўловларни амалга ошириш билан шуғулланади.

ЛИЗИНГ – молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топширигига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

КРЕДИТ ЎШМАЛАРИ – кредитлар бериш ҳамда бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш максадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий teng хукукли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкилотидир.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ – устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян микдордаги акцияларга таксимланган хўжалик юритувчи субъект.

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ – қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти.

ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ – акциялари факат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида таксимланадиган жамият.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИФИЛИШИ – жамиятни бошқаришнинг олий органи. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг умумий хисобот йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий хисобот йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичida ўтказилади. Акциядорларнинг умумий хисобот йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан, коллегиал ижроия органининг аъзолари, бошқарувчи таш-

килот ёки бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ микдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек ушбу Қонун 65-моддасининг биринчи қисми ўн учинчи хатбохисига мувофиқ жамиятнинг йиллик хисоботи ва бошқа хужжатлар қараб чиқилади.

ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ – жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қиладиган орган.

ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ – жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қиладиган орган бўлиб, у яккабошлиқ асосидаги ижроия органи (директор) ёки коллегиал ижроия орган (бошқарув, дирекция) томонидан амалга оширилиши мумкин. Бир пайтнинг ўзида ҳам яккабошлиқ асосидаги, ҳам коллегиал ижроия органлари бўлиши назарда тутилган жамият уставида улардан ҳар бирининг ваколатлари белгилаб қўйилиши керак. Бундай ҳолларда жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроия органи (директор) вазифасини бажарувчи шахс коллегиал ижроия органи (бошқарув, дирекция) раиси вазифасини ҳам амалга оширади.

ТАФТИШ КОМИССИЯСИ – жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан сайланадиган орган. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари қонун хужжатлари ва жамият устави билан белгиланади.

ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ – активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига хисобдордир. Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун хужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгилан-

ган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик-
палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги
“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада
чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш
концепцияси” номли маъruzасини (**Демократик бозор
ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни
янада чукурлаштириш**) ўрганиш бўйича

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Президент И.А. Каримов маърузасида истиқболда қандай қонун хужжатларини ишлаб чиқиш белгилаб берилди.
2. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тушунчаси ва моҳияти ҳақида гапириб беринг.
3. Мамлакатимизда давлат мулкини хусусийлаштиришга қачондан бошлаб катта эътибор қаратилди.
4. Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг биринчи босқичида қабул қилинган асосий қонун хужжатлари тўғрисида гапириб беринг.
5. Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг иккинчи босқичида қабул қилинган асосий қонун хужжатлари тўғрисида гапириб беринг.
6. Хусусий мулк тушунчаси ва кафолатлари нималардан иборат.
7. Чет эл инвесторлари ҳукуқлари кафолатланган қонун хужжатларини санаб беринг.
8. Бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган қанча қонун хужжатлари қабул қилинган?
9. Бизнеснинг янги ташкилий-ҳукуқий шакли сифатида қайси бизнес тури кўрсатилган ва уни ҳукуқий тартибга солишининг мухим жиҳатлари нималардан иборат.
10. Хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини айтиб беринг.
11. Акциядорлик жамиятлари ва уларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ўрни қандай?
12. Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонунни танқидий қайта кўриб чиқиш, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини асосланг.
13. Тадбиркорлик фаолиятини ҳукуқий тартибга солишини такомиллаштиришга қаратилган асосий йўналишлар нималардан иборат?
14. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири қабул қилиниши заруратини асосланг.

15. Бизнеснинг янги ташкилий-хуқуқий шакли сифатида оилас-
вий бизнеснинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарб-
лигини асослаб беринг.

16. Молия-банк тизими институтларининг қонунчилик асос-
лари нималардан иборат?

17. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-
қоидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш
заруратини тушунтириб беринг.

18. “Рақобат тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул
қилиш заруратини тушунтириб беринг.

19. Эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривож-
лантиришга хизмат киладиган, қабул килиниши лозим бўлган
қонунларни санаб беринг.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzасини (**Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштириш**) ўрганиш бўйича

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Мулкка әгалик қилиш ҳуқуқи нима?

А. Мулкнинг юридик тақдирини белгилаш

Б. Сотиб юбориш

В. Ўзгаларга ҳадя килиш

Г Мулкни мулкдор ўз кўлида ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини оширишга имкон берувчи бирон жойда саклаб туриш

2. Мулкнинг дахлсизлиги нима?

А. Иктиносдинг самарали ривожланиши ва халқ фаровонлигининг ўсишига ёрдам бериш

Б. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни ўз хошишга кўра содир этишга ҳақли

В. Хар ким мулкдор бўлишга ҳақлидир

Г Мулкдорнинг мулкий ҳуқуклари қонун билан кафолатланиши ва мулкдор бу ҳуқуклардан факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина маҳрум этилиши мумкин

3. “Давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўгрисида”ти Қонун қачондан кучга киритилган?

А. 1991 йил 10 январь

Б. 1991 йил 15 март

В. 1991 йил 20 май

Г 1991 йил 18 ноябрь

4. Акциядорлик жамияти нима?

А. Устав фонди муайян микдордаги акцияларга бўлинган жамият

Б. Ҳиссалар акциялар билан расмийлаштириладиган жамият

В. Акциядорларнинг чекланган жавобгарликка эга бўлган жамияти

Г Акциялар киймати доирасида жавобгар бўлиш белгилangan жамият

5. Акциядорлик жамиятининг кундалик фаолиятига раҳбарлик қиладиган орган қайси?

А. Иштирокчиларининг умумий йиғилиши

Б. Кузатув кенгashi

В. Ижро органи

Г Тафтиш органи

6. Қуйидагилардан қай бири МЧЖнинг умумий йиғилиши ваколатларига кирмайди?

А. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) микдорини ўзгартириш

Б. Таъсис хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш

В. Йиллик хисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш

Г Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш

7. Кимлар хусусий мулк ҳуқуқининг субъекти бўла олмайди?

А. Кооперативлар

Б. Жамоат бирлашмалари

В. Давлатга қарашли юридик шахслар

Г Хўжалик ширкатлари

8. Хусусий мулк қандай кўринишларда намоён бўлади?

А. Индивидга тегишли мулк сифатида

Б. Маъмурий-худудий тузилмалар мулки сифатида

В. Нодавлат юридик шахс мулки сифатида

Г А ва Г жавоблар тўғри

9. Хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаролар қайси давлат органидан рўйхатдан ўтади?

А. Туман ҳокимиятидаги маҳсус комиссиядан

Б. Вилоят адлия бошқармаларидан

В. Туман (шахар) солик инспекциясидан

Г Туман (шахар) ҳокимлигидаги маҳсус инспекциядан

10. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга берилган тўғри таърифни айтинг?

А. Давлат корхоналари ва ташкилотларининг жамоа ижара корхоналарига, акциядорлик жамиятларига, давлатга қарашли бўлмаган бошқа корхоналар, ташкилотларга айлантирилиши

Б. Давлат мулкини фуқаролар давлат органининг қарори билан ўзиники қилиб олиши

В. Давлат корхоналарини хўжалик юритиш хукуки асосида нодавлат ташкилотларга бириктириб қўйиш

Г Хусусий мулк объектларини оммавий мулкка айлантириш

11. Хусусийлаштириш дейилганда...

А. Оммавий мулк объектларини фуқароларга сотиш ва сотиб олиш жараёни тушунилади

Б. Фуқаролар ва давлатга таалуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акцияларини давлатдан сотиб олиши тушунилади

В. Реквизиция қилинган мулкларнинг фуқароларга ҳадя қилиб берилиши тушунилади

Г Давлат мулкининг қонуний асосларга кўра юридик шахслар балансига ўтказилиши тушунилади

12. Ҳозирги даврда тадбиркорлик субъектларининг доираси кенгайиши сабаблари тўлароқ кўрсатилган қаторни кўрсатинг?

А. Мустакилликка эришилганлиги

Б. Иқтисодий қонунлар қабул қилиниб, хўжалик субъектларига эркин йўл очилиши

В. Турли мулк шаклларининг вужудга келиши ва қонунларнинг қабул қилиниши

Г А ва Б жавоблар тўғри.

13. Хўжалик муносабатларига иқтисодий услубларни қўллаш асосида давлатнинг таъсир этиш тамойили мазмуни нимадан иборат?

А. Йирик нархларга соликларни кўпроқ солиш, кичикларидан маълум муддат ундирамаслик

Б. Рақобатни кучайтириш

В. Нарх-навони тартибга солиш

Г Монополистик фаолиятни кучайтириш

14. Тадбиркорлик субъектларининг қонунда ман этилмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиши қайси принципга асосан олиб борилади?

- А. Давлатнинг таъсир этиш тамойили
- Б. Қонунийлик
- В. Ўзаро рақобат
- Г Мустақиллик

15. Кичик тадбиркорлик субъектлари...

- А. Жисмоний ва юридик шахслар
- Б. Фақат жисмоний шахслар
- В. Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний ва юридик шахслар
- Г А ва Б жавоблар тўғри.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинадиган муносабатларни кўрсатинг.

- А. Ихтиrolар билан боғлиқ муносабатлар
- Б. Саноат намуналари билан боғлиқ бўлган муносабатлар
- В. Товар белгилари билан боғлиқ муносабатлар
- Г Тўғри жавоб ўйқ.

17. Тадбиркорлик субъекти қачон устун мавқега эга ҳисобланади?

- А. Бозордаги улуши олтмиш беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса
- Б. Бозордаги улуши эллик беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса
- В. Бозордаги улуши ўттиз беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса
- Г Бозордаги улуши кирқ беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса

18. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси қачон ташкил этилган?

А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги ПФ-3602-сонли Фармонига асосан

Б. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПФ-3202-сонли Фармонига асосан

В. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 мартағи ПФ-3602-сонли Фармонига асосан

Г Тўғри жавоб йўқ

19. Монополистик фаолият бу –

А. Хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқарув органдари ва маҳаллий давлат хокимияти органларининг ракобатга қарши кураш ҳақидаги қонун ҳужжатларига хилоф бўлган ракобатга йўл қўймасликка, уни чеклаш ва бартараф этишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги

Б. Хўжалик юритувчи субъект товар бозорида ягона сотувчи ёки харидор бўлган вазият

В. Хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида устунликни қўлга киритишга қаратилган ҳаракатлари

Г Барча жавоблар нотўғри.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади бу –

А. Товар бозорларида монополистик фаолият ва инсофсиз ракобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқукий асосларини белгилаб беради

Б. Рақобат муносабатларининг шаклланиши ва самарали амал килиши учун шароитлар таъминлаш

В. Товар бозорларида монополистик фаолиятнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатиш

Г А ва Б жавоб тўғри

21. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Қонунини янги таҳрирда қабул қилиш заруряти қайси жавобда түғри ифодаланган?

- А. Акциядорлик жамиятларининг турларини белгилаш
- Б. Акциялар учун дивидендлар олишнинг белгиланмаганлиги
- В. Меноритар акциядорларнинг хукуқлари кафолатларини таъминлаш
- Г Акциядорлик жамиятлари сонини кўпайтириш

22. Оиласвий бизнес соҳасидаги муносабатларни ҳукуқий тартибга солувчи маҳсус қонун ҳужжатини кўрсатнинг?

- А. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси
- Б. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси
- В. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сонли “Оиласвий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари түғрисида”ги Карори
- Г Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли Карори билан тасдиқланган “Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиширувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби түғрисида”ги Низом

23. “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш түғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилишнинг зарурати нимада?

- А. Мулкдорлар синфини кенгайтириш
- Б. Мулкка эгалик хукуқини мустаҳкамлаш
- В. Ижаракиларга ва оиласвий бизнес субъектларига кенг имкониятлар бериш
- Г Бўлажак инвесторларнинг барча тоифаларига хусусийлаштириш жараёнларида teng шароитлар яратишни таъминлаш

23. Хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги тўғрисидаги қоида қайси қонун ҳужжатида белгиланган?

- А. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида
- Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида
- В. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунида
- Г. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида

24. Ислоҳотларнинг кейинги босқичларида иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий хисобда қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди?

- А. 350 дан ортиқ
- Б. 380 дан ортиқ
- В. 400 дан ортиқ
- Г. 550 дан ортиқ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzасини (**Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштириш**) ўрганиш бўйича

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997 – 384 б.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон. 2001. – 439 б.
7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
8. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлик. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
9. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон. 2009.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasи. // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.
12. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. // Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.

II. Норматив-хукукий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн

биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги қонунларга мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2008 йил, 12-сон, 637-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2007 – 520 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2010. – 152 б

4. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2010. – 204 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Конуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 5–6-сон, 54-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя килиш тўғрисида”ги Конуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 5–6-сон, 61-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва ракобат тўғрисида”ги Конуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 2-сон, 54-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил, 9-сон, 170-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000 йил, 5–6-сон, 140-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Конуни // Ўзбекис-

тон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 8-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002 йил, 1-сон, 10-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002 йил, 4–5-сон, 68-модда.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами. 2004 йил, 3-сон, 28-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992 йил, 1-сон, 43-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил, 1-сон, 10-модда.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил, 1-сон, 8-модда.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил, 5–6-сон, 91-модда.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил, 5–6-сон, 93-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 июняда қабул қилинган “Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қофозлар бозорини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон

Республикаси Президентининг Фармонлари. 1995–1998 й.й.
4-сон. – Т.: Адолат, 2000.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 майда қабул қилинган “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 1996 йил, 5–6-сон, 84-модда.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 февралда қабул қилинган “Хорижий инвестиция иштирокидаги лойихаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 1998 йил, 3-сон, 40-модда.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 марта қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий начорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 1998 йил, 3-сон, 43-модда.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январда қабул қилинган “Ўзбекистон иктисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3202-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003 йил, 1–2-сон, 4-модда.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январда қабул қилинган “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 255-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006 йил, 2-сон, 8-модда.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва хисобга қўйишнинг ҳабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги 357-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006 йил, 20–21-сон, 174-модда.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 июлда қабул қилинган “Қимматли коғозлар бозорини янада ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-475-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006 йил, 39-сон, 387-модда.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлда қабул қилинган “Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3897-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 йил, 29-30-сон, 299-модда.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги “2007–2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 йил, 29-30-сон, 300-модда.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 726-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 йил, 45-сон, 454-модда.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 361-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1998 йил, 8-сон, 31-модда.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сон Қарори билан тасдиқланган “Акциядорлар Умумий ўифилиши тўғрисида”ги Намунавий Низом // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1998 йил, 8-сон, 31-модда.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сон Қарори билан тасдиқланган “Акциядорлик жамиятларининг ижро этувчи органи хақида”ги Намунавий Низом // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1998 йил, 8-сон, 31-модда.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 ноябрда қабул қилинган “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сон Қарори //

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2002 йил, 22-сон.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелда қабул қилинган “Хусусийлаштирилган корхоналар корпоратив бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 189-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2003 йил, 7-8-сон, 63-модда.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон Қарори билан тасдиқланган “Акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши тўғрисида”ги Намунавий Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2003 йил, 7-8-сон, 63-модда.

36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон Қарори билан тасдиқланган “Бошқарувчи компаниялар тўғрисида”ги Намунавий Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2003 йил, 7-8-сон, 63-модда.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 июнда қабул қилинган “Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидағи акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 295-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 йил, 26-сон, 298-модда.

38. “Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 27.04.2005 й. 1473-сон билан рўйхатга олинган, ЎзР Молия вазирлигининг 14.03.2005 й. 33-сон ва ЎзР Давлат Мулк қўмитасининг 01 / 06-18 / 02-сон Қарори билан тасдиқланган) // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2005 йил, 17-18-сон, 132-модда.

39. “Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш Коидалари” (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 16.09.2004 й. 1410-сон билан рўйхатга олинган, ЎзР Давлат Мулк қўмитасининг 03.09.2004 й. 01 / 18-48-сон Қарори билан тасдиқланган) // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2004 йил, 37-сон, 416-модда.

40. "Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташки аудитни ўтказадиган аудитор ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида"ги Низом (ЎзР Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20-сон Қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 28.03.2007 йилда 1668-сон билан рўйхатга олинган) // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. 2007 йил, 13-сон, 128-модда.

III. Махсус адабиётлар:

1. Баратов М.Х. Давлат – фуқаролик хукуқининг субъекти сифатида. – Т.: ТДЮИ, – 110 б.
2. Баратов М.Х. Давлат мулк хукуки. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 29 б.
3. Вагатов М.Х. Mulk huquqi. – Т.: TDYI, 2009. – 366 б.
4. Гулямов С.С. Халқаро савдо хукуки. – Т.: ТДЮИ, 2002. – 48 б.
5. Зокиров И.Б. Фуқаролик хукуки. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2009. 1-қисм. – 384 б.
6. Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият хукуки. (Умумий қоидалар). – Т.: ТДЮИ, 2005. – 336 б.
- 7 Раҳмонкулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив хукуқ. – Т.: ТДЮИ, 2007 – 512 б.
8. Тадбиркорлик хукуки. Умумий қисм. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ, 2002. – 664 б.
9. Рамонкулов Ҳ. Фуқаролик хукуқининг обьектлари. Ўкув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 14 б.
10. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик хукуқининг субъекти сифатида. – Т.: ТДЮИ, 2004.
11. Юлдашев Ж.И., Сафаров Ж.И., Астанов И. Акциядорлик жамиятлари. Схемалар. – Т.: 2009.
12. Раҳмонкулов Ҳ., Рўзиназаров Ш., Оқюлов О., Азизов Ҳ., Имомов Н. Хусусий мулк обьектларининг хукукий мақоми. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги амалдаги конун хужжатлари мониторинги институти, 2007
13. Оқюлов,К.Э.Мансуров, Б.К.Ходжаев "Рақобат хукуки" фанидан ўкув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2007 – 156 б.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштиришнинг зарурияти ва аҳамияти	4
Кўргазмали тақдимот слайдлари	34
Таълим технологияси	42
Глоссарий	45
Назорат саволлари	50
Тест саволлари	53
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати	61

Қайдлар учун:

**ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ВА
ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИ
ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ**

(Ўқув-услубий мажмуда)

Муҳаррирлар:

A. Омонов,

Г. Ортиқхўжаева

Техник муҳаррир:

А. Аҳмедов

Компьютерда

саҳифаловчи:

Ш. Расулов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги «Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АI №133, 14.03.09.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турун кӯчаси, 41-уй.

Босишга рухсат этилди 08.04.2011 й.
Кофоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «AntiquaUz» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табори 4,5.
Нашриёт хисоб табори 3,75. Адади 20 000 нусха.
11-608-буортма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30-уй.